O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
05 09



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 14 май, № 97 (4760) Пайшанба

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

***Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, мавжудлари мукаммал таъмирланмоқда. Қайта чирой очган шифохоналар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланаяпти.***

**ҒАМХЎРЛИК**

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Болалар шифохонаси бунинг бир мисолидир. У Жанубий Корея давлатининг Халқаро соғломлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси ажратган маблағ эвазига таъмирдан чиқарилди. Шифохонани капитал таъмирлаш ҳамда энг сўнгги тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш ишларига 500 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

— Шифохонамиз эллик беш ўринли бўлиб, унда Чақалоқлар патологияси, Хирургия ҳамда Болалар бўлими фаолият кўрсатмоқда, — дейди бош шифокор Дилором Бўриева (суратда ўнгда). — Мутахассисларимиз Жанубий Кореяда малака ошириб қайтганликлари туфайли эндиликда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам ўзимизда амалга оширилаяпти. Шифо масканида УЗД, рентген, ЭКГ аппаратлари ҳамда физиоаппаратлар мавжуд. Ушбу жиҳозлар ёрдамида тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, болаларимиз саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган турли хасталикларнинг олдини олиш имконига эгамиз.

— Авваллари неча чақиримлаб йўл босиб, болаларимизни шифокор кўригига олиб борардик, шукрки, энди ўзимизнинг ҳудудда барча қулайликларга эга шифохона бор, — дейди Дилдора Муҳсинова. — Болаларимиз саломатлигини асраш, улардаги хасталикка аниқ ва ишончли ташхис қўйиб, тўғри даво усулини қўллаш борасида шифокорларимиз учун ҳам қулай шарт-шароит яратилди. Бундай беминнат ғамхўрликдан бениҳоя миннатдормиз.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Тошкент ахборот технологиялари университетида "Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишининг долзарб муаммолари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.***

## ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Россия ахборот технологиялари федерал агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда давлат органлари, вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва хориждаги илмий марказлар, компаниялар, тижорат тузилмалари, ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи фирмалар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланишини кенг жорий этиш ва қўллаш жараёнларини фаоллаштириш, энг долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда кўриб чиқиш, илғор тажрибалар билан танишиш ва тажриба алмашишдан иборат.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А. Хўжаев мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган.

2003-2004 йилларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун шулардан биридир. Ушбу ҳужжатга биноан, электрон рақамли имзо ўз қўли билан қўйилган имзога тенглаштирилган ва у билан бир хил юридик кучга эга. "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонун эса электрон рақамли имзо мажбурий реквизитларидан бири ҳисобланган электрон ҳужжатнинг юридик кучини, "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатларини белгилайди.

Бугунги кунда республикамизда электрон рақамли имзони самарали қўллаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилган, миллий инфратузилма шакллантирилиб, зарур воситалар ишлаб чиқилган. Электрон рақамли имзони барча жойларда кенг қўллаш мақсадида ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, электрон рақамли имзони рўйхатга олиш бўйича миллий марказлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларни халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлашни яхшилаш, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмасини ривожлантириш ва электрон рақамли имзони трансчегаравий қўллаш учун шароит яратиш даркор. Ҳозир Ўзбекистонда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш бўйича рўйхатдан ўтказилган тўртта марказ фаолият кўрсатмоқда.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш ҳужжатлар билан ишлаш натижаларини, ишончлилиги ва самарадорлигини оширади, бошқарув сифатини яхшилайди ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш таъсирчанлигини кенгайтиради. Бундан ташқари, бошқарув фаолиятини ҳужжатлар орқали таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Давлат органларининг рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлиш, солиқ, молия, статистика ва бошқа ҳисоботларни йиғиш бўйича турли хизматларни кўрсатишда жисмоний ҳамда юридик шахслар билан ҳамкорлик қилишида электрон ҳужжат айланишини қўллашга эҳтиёж тобора кучаймоқда. Ҳозир статистика органлари томонидан электрон шаклдаги давлат статистика ҳисобдорлигини қабул қилиш борасида тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда, шунингдек, солиқ инспекцияси органларида ҳам шундай тизим яратилган.

Анжуманда электрон шаклдаги давлат интерфаол хизматларини кўрсатишни ташкил этиш, интеграциялашган давлат ахборот тизимларини яратиш, давлат ахборот ресурсларини ҳудуд ва маконда бирлаштириш, барча даражада электрон хизматларни тақдим этишни таъминлайдиган электрон

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг хорижий мамлакатлар расмий, иқтисодий ва эксперт-таҳлилий доираларидаги кенг муҳокамаси давом этмоқда, давлат раҳбарининг янги илмий асари тақдимот маросимлари ўтказилмоқда.***

**Биз ва жаҳон**

**Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Ихсаноглу** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги китобини "нодир ва ўз вақтида қилинган ташаббус" деб баҳолади. "Мазкур китоб ҳозирги глобал молиявий инқироздан чиқиш учун нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро майдонда ҳам йўриқнома вазифасини ўтайди.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг самарадорлигини, мустаҳкам ва ривожланган иқтисодиётга асосланганлигини кўрсатмоқда. Ислоҳотларнинг ўзбек модели бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олишини кўрсатди", деб ишонч билдирди.

ИКТ Бош котиби, шунингдек, "Президент Ислом Каримов ўзининг оқилона ва узоқни кўзлаган қарашлари билан бундан кейин ҳам мамлакат ва дунё миқёсида иқтисодиётни ривожлантириш ва соғломлаштиришга катта ҳисса қўшишда давом этади", дея таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг **Деҳли**даги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг янги китоби тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ҳиндистоннинг нуфузли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва эксперт доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Ж. Неру университети қошидаги Халқаро тадқиқотлар мактабининг директори, профессор Ажай Патнаик инқироз шароитида Ўзбекистоннинг изчил ривожланиши мамлакат раҳбарининг юқори малакага эгалигидан далолат беришини, у юзага келган вазиятни чуқур таҳлил этиб, тўғри қарор қабул қилгани ва кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги амалда исботланаётганини қайд этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб, минтақанинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлгани боис, унинг ҳолати бутун минтақа барқарорлигига боғлиқ, — деди олим. — Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатнинг иқтисодий инқироздан жиддий талафотларсиз чиқишига шароит яратувчи барча мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Дунё иқтисодчилари узоқ вақт мобайнида иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш имконияти ҳақидаги фикрга эътиборсиз қараб келишди. Лекин инқироз ушбу фикрнинг тўғри эканлигини ва давлатнинг иштирокисиз иқтисодиётни самарали бошқариб бўлмаслигини кўрсатди — буни эса, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолган Ўзбекистон амалда исботлашга муваффақ бўлди.

**Ҳиндистонлик йирик саноатчи, "Ennore Coke Limited" компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ганесан Натаржан** Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб боришини таъкидлади.

"Биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишдан манфаатдормиз. Шундай экан, мамлакат иқтисодиётида кечаётган жараёнлар биз учун муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарияти банк-молия тизими ҳамда саноатни ривожлантиришга, иқтисодиётга замонавий технологияларни жалб этишга алоҳида муҳим эътибор қаратиб келаётганини қайд этишни истардим.

(Давоми 2-бетда).

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

**Фармон ва ижро**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатасининг депутатлари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашнинг изчил механизми яратилгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Олтинкўл туманида "Олтинкўл текстиль", "Фикентекс", "Евро Азия пласт" сингари бешта қўшма корхона фаолият кўрсатиб келмоқда.***

### Қўшма корхона ишга тушди

Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Аниқроқ айтганда, хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Беллона миллениум" қўшма корхонасига асос солинди. Уни барпо этиш учун 100 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилган бўлиб, замонавий дастгоҳлар хориждан келтирилди.

Ҳозирда бу ерда биноларни безашда кенг ишлатиладиган гипсокартон ишлаб чиқарилмоқда. 13 минг АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки маҳсулот экспорт қилинди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навоий шаҳрининг товар-хом ашё биржасида ҳудудий саноат кўргазмаси бўлиб ўтди.***

### Навоийда саноат ярмаркаси

Мазкур тадбир вилоят ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазмада вилоятдаги саноат корхоналари ўзларининг 150 турдан зиёд маҳсулотларини намойиш этишди. Иштирокчилар хизмат турлари бўйича тажриба алмашдилар ва истиқболли шартномалар имзоладилар.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Риштон азалдан лойдан мўъжиза яратувчи кулоллари билан машҳур бўлган. Эндиликда Риштон чинниларининг довруғи ҳам ошиб бораяпти.***

### Риштон чиннилари

Тумандаги "Simax F+Z" очиқ турдаги акциядорлик жамияти иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Тадбиркор Суҳроб Исматов Хитойдан энг замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиб ўрнатди. Асосий хом ашё бўлмиш чинни оқ лойи Украинадан келтирилмоқда. Корхонада ҳозир чиннинингг 30 дан зиёд турлари тайёрланаяпти.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қўшкўпир туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 27 та корхона ва ташкилот ўзларининг 300 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.***

### Муқим ишли бўлишди

Муҳими, меҳнат ярмаркаси давомида 168 нафар киши муқим иш жойига эга бўлди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти аёллар, ёшлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Ҳамшира — 2009" Республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичида етти нафар тиббиёт ходими ўзининг касбий билими, малака ва маҳоратини синовдан ўтказди.***

### Энг яхши ҳамшира

Даволаш ишларини ташкил этишда алоҳида аҳамиятга молик мазкур касб эгаси ҳаётда ҳам чаққон, атрофдагиларга нисбатан эътиборли бўлиши, муҳими, зарур ҳолларда, беморни оғир вазиятлардан олиб чиқиб кета билиши керак. Кўрик-танлов шартларини бажариш чоғида ҳамшира қизлар ўзларининг ана шу фазилатларини намоён этишди. Талабчан ҳакамлар ҳайъати Янгиқўрғон туманидаги Мамай қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Ҳилола Йўлдошевани ғолиб, деб топди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиали вакиласи Маъмура Аҳмедова иккинчи, Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Гулмира Ҳакимова учинчи ўринга сазовор бўлди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Маҳаллийлаштириш дастури ижросининг самараси

**2009** йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида **249** та корхона базасида янги лойиҳалар амалга оширилди.

**Бу, ўз навбатида, айрим импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини берди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Таҳлил натижалари

***Апрель ойи якунларига кўра, Хитойда экспорт ва хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22,6 фоизга камайган. Бу иқтисодчиларнинг аввалроқ қилган тахминларидан ҳам ёмонроқ натижа, дея баҳоланмоқда.***



Гап шундаки, мутахассислар башоратида мамлакатнинг бу борадаги имкониятлари қарийб 15-16 фоиз атрофида пасайиши кутилганди. Лекин шу даврда импорт 23 фоизга, ташқи савдо 15,3 фоизга қисқарган. АҚШ билан ўзаро товар айланмаси 17,1 фоизга, Европа Иттифоқи билан эса 24,1 фоизга камайган.

Шундай бўлишига қарамай, мамлакатда микроиқтисодий ҳолат ижобий натижани кўрсатмоқда. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар ҳажми 30,6 фоизга ошган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг биринчи чорагида Хитой иқтисодий ривожланиши 6,1 фоизни ташкил этганди. Бу мамлакат тарихида сўнгги етти йилда кузатилган энг ёмон кўрсаткичдир.

## Ҳеч ким жабрланмади

***Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги метро бекатларидан бирида поезд рельсдан чиқиб кетиб, ер ости йўли деворига урилган, дея хабар тарқатди маҳаллий "El Mundo" нашри.***



Қутқарув хизмати вакиллари бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳеч ким жабрланмаганини айтишган. Ҳозирча мазкур воқеага нима сабаб бўлгани номаълум. Айни пайтда ушбу йўналишда ҳаракат вақтинча тўхтатилган ва ҳалокат юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

## Жангарилар қуршовга олинди

***Доғистон Республикасининг Хасавюрт туманида жангариларга қарши махсус амалиёт ўтказилди.***

"Интерфакс" ахборот агентлигининг маълум қилишича, туманнинг Эндирей қишлоғидан унча узоқ бўлмаган ўрмонда жангарилар тўдаси қуршаб олинган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳозирча қамалда қолганларнинг аниқ сони хусусида ахборот беришмаган. Шундай бўлса-да, ҳудудга қўшимча махсус гуруҳ жалб этилган.

## Қўл телефонида реклама

***Қўл телефонлари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компанияси ўз маҳсулотлари корпусида реклама жойлаштиришни режалаштирмоқда.***




Манбада келтирилишича, компания АҚШ бозорларида сотувга чиқариладиган қўл телефонларида ана шу янгиликни жорий этмоқчи. Бу усул олдинроқ Бразилияда синовдан ўтказилган ва ижобий натижага эришилганди. Айтиб ўтиш керак, сотувга чиқариладиган аппаратлар корпусида "Nokia"нинг янги нусхалари ёки компанияга оид маълумотлар акс эттирилади.

Компания шу йўл орқали жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида маҳсулот сотиш ҳажмини оширишни кўзламоқда. Аслида, "Nokia"нинг ҳозирги аҳволи ҳам шуни талаб қилмоқда. Чунки жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, унинг соф фойдаси 300 баробарга камайиб, 4 миллион еврони ташкил этди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар**



***Мавж урган денгиз, ойдинларда сузган оқ елканли кемалар, оқ чағалайларнинг бетиним чуғур-чуғури остида Орол аста-секин алвидо айта бошлади. У соҳилидан ажралишни истамай, оқ кўпик тўлқинларини сочиб, ҳар қарич ерга тирмашиб чекинди. Одатдаги соҳилдан қийқириб хайрлашиб сузиб кетадиган кемалар жойида қолиб, денгизнинг ўзи "сузиб" кетди, соҳилда сув ўрнида чексиз қумликлар пайдо бўлди.***

# ҚАТРАДА ОРОЛ АКСИ

Орол фожиасини ўрганиб, "Оролим — дардим менинг" деб эссе ёзган, "Оролқум" деб ҳужжатли фильм ишлаган пайтларимда менинг ва менга ўхшаганларнинг кўз ёшларидан денгизга томчи ҳам етиб бормаслиги маълум бўлган эди. Яқин ўтмишда аҳвол ана шундай эди.

Йўқ, менинг бу айтаётганимга бугунги авлод ишонмайди ҳам, тушунмайди ҳам. Чунки қорақалпоқларнинг XXI аср авлоди Оролни кўрмаган, денгизда чўмилмаган, уларга денгиз балиғини бермаган. Чунки денгиз ўз соҳилини юзлаб чақирим ерга ташлаб кетган эди. Оролнинг умумий сув ҳажми аввалги ҳаддидан тўрт баробар камайди, у денгиздан аста-секин шўр ҳавзага айланди. Бир томондан, Оролга энди ёрдам бера олмаслигимизни ҳис этганимиздан, иккинчи томондан, ҳар куни кўраётган манзарага кўзимиз кўникиб қолганиданми, "Оролим — бахтим менинг" фильмини биринчи кўрганимда, у менга киносанъатининг оддий бир маҳсулидек туюлди. Лекин орадан кўп ўтмасдан, кўз ўнгимда Ерназарнинг маъюс ва ўйчан қиёфаси пайдо бўлиб, бу фильмни яна бир кўриш истаги туғилди.

Қарасам, экрандаги оддий одамлар тақдири билан тирикчилигида қандайдир кўз илғамас маъно сезилди. Бундай қарасангиз, оддий қорақалпоқ оиласи ва кулбаси, ўйчан қиёфалар, ўйноқи воқеалар орқасида томошабинни бефарқ қолдирмайдиган фалсафа бор.

Инсон бу дунёга не-не умидлар билан келади, не-не умидлар билан оила қуради, не-не умидлар билан фарзанд кўради. Инсон умрининг қайси даврида у умидлар маънавий ва моддий замин топиб, амалга ошгани — унинг бахтли онлари ҳисобланади. Борди-ю, унинг умидлари қай бир тўсиқларга учраб, кўнглига ғашлик олиб келса, яқин қариндош-уруғлари, дўстлари ёки оила аъзоларининг ҳамдардлиги кўнглига таскин бериши мумкин. Лекин умидлар кўлами глобал миқёсда бўлиб, у ўша оила, овул ёки ҳудудда яшовчи барча-барчани қамраб олса-чи? Бош устига, Худодан тилаган истеъдодли қизи Ойгул тақдир тақозоси билан туғма ногирон бўлиб, ўз оёқлари билан ер босиб юра олмаса, ким унга далда беради, ким унинг умидларига қанот боғлайди? Ахир ҳар бир инсон қалбида ўз Ороли, ўз ташвишлари бор-ку!

Ерназарнинг армону умидлари Оролнинг сақланиши билан боғлиқ бўлгани туфайли у руҳан синиб, маънавий тушкунликка тушди. У ҳеч кимдан мадад кутмайдиган, ҳаётга бефарқ, бепарво ҳолатда юрганида тасодифан болани илон чақиб, ҳаёт-мамоти хавф остида қолганида, қандайдир ғаройиб куч унинг виждонини уйғотди. У Дюпоннинг ўғлини аниқ ўлимдан қутқариш фақат ўзигагина боғлиқ эканини ҳис этгач, барча техник ва бошқа қонун-қоидаларга зид равишда, аллақачонлардир қолиб кетган самолёти штурвалига ўтирди ва боланинг ҳаётга қайтиши унинг ҳаётга умидини уйғотди. Уйғонган умид, албатта, журъатни ҳам уйғотади.

Фильмнинг муваффақиятини таъминлашда, шак-шубҳасиз, унинг режиссёри ва сценарий муаллифлари Ринат Галиев ҳамда Тўраниёз Қалимбетовнинг ижодий меҳнатини алоҳида таъкидлашимиз керак. Фильмдаги етакчи қаҳрамонлардан Ерназар сиймосини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайдулла Молдахонов, Жумабой образини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Қуатбой Абдреимов, Санам образини Сулувхон Ғаниева, Оролхола образини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Турсунгул Қаипназарова ҳаётий ҳамда психологик жиҳатдан жуда ишонарли ва таъсирчан талқин этган.

"Оролим — бахтим менинг" фильмида Орол денгизи фожиаси ҳар биримизнинг дардимизга айланиб, бу фожиа оқибатларини бартараф этиш учун бутун халқ, мамлакат жон куйдираётган пайтда инсоний фазилатларнинг уйғонишига туртки берадиган, айниқса, бу офатдан бехабар томошабинда кучли ҳамдардлик ҳиссини уйғотадиган қандайдир бир сир бор.

Бу сир — фильмдаги шижоатли инсон руҳида мужассам. Матонатни, инсонийликни тараннум этганлиги учун ҳам фильм давлат миқёсидаги юксак мукофотга тақдим этилишга муносиб, деб ўйлайман.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

**Жиззах томонларда**

## Янги корхоналар бандликни таъминлайди

***Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг ўтган даврида корхоналарни модернизация қилиш ҳамда аҳолини касаначиликка жалб этиш эвазига Жиззахда 8800 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.***

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички бозорни гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу мақсадда йил охирига қадар 10 та корхона ташкил этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ўсимлик ёғи тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш учун 600 та фермер хўжалиги 15 минг гектар суғориладиган ерда зиғир, махсар, соя, кунгабоқар каби мойли экинларни парвариш қилмоқда. Бу келгусида маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарида яна юзлаб иш ўринлари яратилади, деганидир.

## Наслдор моллар кўпаяди

***Жиззах вилоятидаги "Плем-Элита" наслчилик бирлашмасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.***

Бироқ бирлашманинг туманларда ташкил этилган 12 та наслчилик корхонаси вилоятдаги шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида парвариш қилинаётган қорамоллар наслини яхшилаш борасида кенг қамровли фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда бирлашма жойларда 20 та сунъий қочириш пунктини ташкил этиш тараддудида. Бу иш амалга ошса, 538 минг бошдан зиёд қорамол боқилаётган вилоятдаги наслчилик ишлари янада яхшиланиши, шубҳасиз.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**I** РКМБ марказий аппаратида 2009 йил 16 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-0817/11624(17)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Лисс Пром База сантехқурилиш» корхонасида сақланаётган, завод рақами 908006, ишлаб чиқариш қуввати 2,3 $м^3$/мин, босими 19,6 МТА бўлган, 2008 йилда Украинада ишлаб чиқарилган, «УкБ-2, 3-200 ТУУ 29,1-23203562001» русумли блокли компрессор қурилмаси (установка компрессорная блочная) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 86 186 400 сўм.***

Мазкур мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114. МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.**

**II** РКМБ Наманган вилояти филиалида 2009 йил 16 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Учқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг 2009 йил 6 январдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2000-2001 йилларда қурилган, 60 та хонадан иборат, умумий ер майдони 8768,23 кв.м. бўлган, Учқўрғон тумани «Юксалиш капитал сари» хусусий корхонасига қарашли «Қайқи» бозори мажмуаси ичидаги савдо ва умумий овқатланиш, қассобхона, новвойхона, маъмурий бино ва мол бозори иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 119 583 564 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**

**III** РКМБ Сирдарё вилояти филиалида 2009 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1. Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2008 йил 30 майдаги ижро варақасига ва Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 16 августдаги 12-0601/8732-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Синдаробод» ШҲда жойлашган, «Синдаробод» иссиқхона корхонасига қарашли:

**а)** 2-сонли қозонхона биноси —
***бошланғич баҳоси — 111 094 388 сўм;***

**б)** 2-сонли қозонхона ички ускуна жиҳозлари: «АБ-2», «АБ-3» русумли 6 та қозон жамланмаси, 2 та «ФОВ-1,5-0,6» русумли фильтр, 2 та 10 куб. м. темир сиғими —
***бошланғич баҳоси — 351 225 520 сўм.***

2. Мирзаобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2009 йил 23 мартдаги ижро варақасига асосан, Мирзаобод тумани «Дони» хусусий фирмаси омборхонасида сақланаётган «АУДИ-А6» русумли, давлат рақами 0SS524 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 61 357 204 сўм.***

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ТИФ «Миллий банки» Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452054, МФО: 00363, СТИР: 200933850.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.**

www.rkmb.uz *Лицензия: DB 001 № 000004.*

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

"Росагропромснаб" МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 $м^3$/соат дан 500 $м^3$/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМЛИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАР**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

**ШПАТЛЁВКА**

OLIY SIFATLI

Қалбакисидан эҳтиёт бўлинг.

AzKO KAMOLON

**Тел.: +(99897) 718-78-73.**
**Факс: +(99871) 277-96-38.**

Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» к/с.

Tsh 64-15207340-01:2007

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ АБИТУРИЕНТЛАРИНИ

"ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"га ТАКЛИФ ЭТАДИ.

23 — 24 МАЙ
10.00 — 17.00




Бакалавр
- Туризм
- Бизнес ва маркетинг
- Банк иши ва молия
- Ахборот технологиялари
- Тадбиркорлик ва бошқарув

Инглиз тили тайёрлов курслари
- Кўп босқичли инглиз тили
- Академик инглиз тили IELTS тизими бўйича
- Интенсив инглиз тили

Омадли келажакка биз билан эришинг!

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси 28-уй.

Тел.: 271-77-00, 276-90-94.

Хизматлар лицензияланган

Товар сертифицирован
INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL

**... от карманных компьютеров до серверов...**



**3 года полной гарантии !!!**

**Технологии, обеспечивающие уверенность**

**Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

15 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ПАРВОЗЛАР



БИЗНЕС-КЛАСС

**ТОШКЕНТ ✈ МОСКВА**

**323 ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ**

(йиғимлар ҳисобга олинган)

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР ДАСТУРИ:

ВЛАДИВОСТОК, П-КАМЧАТСКИЙ, САМАРА, ХАБАРОВСК, МАГАДАН, АНАДИРЬ, УФА, ҚОЗОН, КРАСНОЯРСК, ОМСК, ТОМСК, БЛАГОВЕШЕНСК, С-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, Ю-САХАЛИНСК, НОВОСИБИРСК.

ТЕЛЕФОНЛАР: 227-01-87, 227-00-78, 227-09-19.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ
www.transaero.ru

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

*«Меҳр нури» жамғармаси 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, мана, беш йилдирки, ўз фаолиятини ижтимоий ҳимоя, ҳомийлик ёрдами, иқтидорли ёшларни, шунингдек, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда давом эттириб, дилларга дармон, орзуларга қанот бўлмоқда.*

# «МЕҲР НУРИ»ДАН КЎНГИЛЛАР НУРАФШОН



Жамғарма ижтимоий ҳимоя йўналишига 325 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида юзлаб хайрия тадбирлари, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни айёмларига аталган концертлар, базм кечаларини уюштирди.

Жамғарма ўз ҳомийлигида Ўзбекистоннинг қатор вилоят ва шаҳарларидаги ўнлаб мактаб-интернатларни капитал таъмирдан чиқариб, уларни керакли мебеллар, замонавий ўқув-техника воситалари, спорт инвентарлари ва адабиётлар билан таъминлаб келмоқда. Олис қишлоғу туманлардаги ўнлаб мактаблар бугун жамғарма ҳомийлигида ўзгача манзара кашф этган. Замонавий жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналарга кирган кишининг баҳридили яйрайди.

Яна «Ўзбекистонда хайрия ишлари: анъаналар, имкониятлар, режалар» деб номланган форум тадбирларида фаол иштирок этиб, республиканинг олис туман ва қишлоқларидаги тиббиёт пунктларига 8 та «УАЗ» русумли автомашина жамғарма томонидан беғараз инъом этилди. Шунингдек, Наманган, Фарғона, Қувасой ҳамда Тошкентдаги қатор ўрта ва махсус ёрдамчи мактаблар, Тошкентдаги 2-болалар уйи, болалар руҳий касалликлари маркази, 2-шаҳар болалар шифохонаси, қон қуйиш ва гематология илмий тадқиқот институти, 1-шаҳар сил касалликлари шифохонаси, қатор оилавий поликлиникалар, Фарғона, Самарқанд, Наманган шаҳар ва туман туғуруқхоналарига кўрсатилаётган беғараз ҳомийлик ёрдамларини айтмайсизми?! Шу кунгача «Меҳр нури» жамғармаси томонидан «Ҳомийлик ёрдами» йўналиши бўйича амалга оширилган тадбирларга 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган.

**Савоб**

«Меҳр нури» саховатидан «Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш» йўналиши доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Чунки у «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун грантлар» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш учун грантлар» дастурларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, жамғарма ҳар йили Тадбиркор аёллар уюшмасининг Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўлинмалари билан ҳамкорликда аёллар учун фоизсиз кредитлар ажратмоқда. Бу эса хотин-қизларимизнинг ишбилармонлик истеъдодларини намоён этиши, ўз имконият ва қобилиятларини тадбиркорликда синаб кўриши учун мадад бўлмоқда. Бугунга қадар тадбиркорлик мақсадлари учун умумий ҳисобда 365 млн. сўм маблағ сарфланган.

«Меҳр нури»нинг алоҳида меҳрига сазовор «Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш» йўналиши юртимизнинг интилувчан, танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган иқтидорли ёшларга кўмаклашишга мўлжалланган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича «Таълим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» амалга оширилиб келинмоқда. Чунончи, 2005 йилда «Таълим грантлари дастури» бўйича контракт асосида олий ўқув юртларига ўқишга кирган 28 нафар иқтидорли талаба грант совриндори бўлган бўлса, 2008 йилда ғолиблар сони 99 нафарга етиб, 43 нафар талабанинг грант муддатлари узайтирилди.

«Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» эса 2006 йилдан буён амалга ошириб келинади. Ҳар йили бу дастур бўйича олий ўқув юртларининг 100 нафар қобилиятли 3-4-курс талабалари «Меҳр нури»нинг стипендияларига сазовор бўлмоқдалар. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйича шу кунгача 342 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Меҳр нури» ўз меҳр-мурувват нурлари билан юзлаб, минглаб хонадонларни нурафшон этиб келмоқда.

**Гулпошшо ЭРГАШХЎЖАЕВА.**

**Тўлепберген Қайипбергеновнинг 80 йиллигига**

# АДИБ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Фанлар академиясида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов асарларининг адабий-бадиий хусусиятлари ва аҳамиятига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.***

Адиб таваллудининг 80 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов, адабиётшунос олим Б. Назаров ва бошқалар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида адабиётимизни янада ривожлантириш, ижодкорлар ўз салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Т. Қайипбергенов қорақалпоқ адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган адиблардан. Унинг турли йилларда яратилган “Салом, муаллим”, “Котиб”, “Уйқусиз тунлар”, “Совуқ томчи” қиссалари, “Сўнгги ҳужум”, “Қорақалпоқ қизи”, “Маманбий афсонаси”, “Бахтсизлар”, “Гумроҳлар” романлари, “Қорақалпоқ достони” трилогияси, “Қорақалпоқман, таваккалчиман”, “Қалбимнинг қомуси” сингари бадиий-публицистик асарлари китобхонлар эътиборини қозонган.

Тадбирда Т. Қайипбергеновнинг бадиий маҳорати, асарларида илгари сурилган эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари, бу асарларнинг ёшларни Ватанга, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусида сўз борди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «ЗАРБ — 2009» ВИЛОЯТ КЎРИК-ТАНЛОВИ

***Бухоро шаҳрида бир гуруҳ таниқли доирачилар хотирасини ёд этиш мақсадида «Зарб — 2009» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсад, Бухоронинг ўзига хос санъати ва миллий мусиқа меросимизни бойитишга катта ҳисса қўшган устоз санъаткорлар Ҳайдар Шодиев, Суннат Наимов, Шариф Ғафуров, Гадой Алиев, Музаффар Фаттоев, Амон Насриддинов сингари санъатимиз фидойиларининг порлоқ хотираларини ёдга олиш, ёш истеъдодларни кашф этишдан иборат.

Танловда устоз санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан иштирок этган юздан ортиқ доирачилар орасидан Бухоро шаҳрилик Рустам Очилов олий ўринга муносиб, деб топилди. Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Бухоро, Вобкент, Ромитан ва Когон туманлари доирачи жамоалари кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

**Ҳ. БУРҲОНОВ.**

***Экологик тарбия инсонни табиат билан яқинлаштиради, уни севиш ва асраб-авайлашга ўргатади. Оила муҳитида, таълим жараёнида ёш авлоднинг экологик маданиятини оширишга жиддий эътибор қаратилишининг боиси ҳам шунда. Зеро, табиат ва инсоният ўртасидаги мувозанатнинг барқарорлигини таъминлаш ана шу саъй-ҳаракатларимиз самарасига боғлиқ.***

# ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

## ёш авлоднинг табиатга оқилона муносабатини юзага келтиради

Навоий шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган “Экология маркази” фаолияти ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган. Бу ерда чўл, тоғ, текислик ва тўқайзор минтақаларига доир алоҳида экспонатлар, альбом, буклет ҳамда ижодий ишлар жамланган. Шунингдек, марказда бургут, ўрдак, олмахон, маймун, қуён, лайлак каби ҳайвонларнинг қотирилган намуналари ҳам сақланади. Ўқувчилар томонидан ясалган макетларда табиатнинг бетакрор манзаралари акс эттирилган. Махсус хонада кабутар, тўти, канарейка қушлари парвариш қилинади.



**Таълим**

— Ўқувчиларнинг экологик маданиятини оширишда тўгарак ва дарсдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти катта, — дейди мактаб директори ўринбосари Назира Холназарова. — Мактабимизда 1994 йилдан буён “Гуллар ва қушлар” байрами ўтказилиб келинади. “Табиатни асраш бурчинг, ҳам бахтинг, шунда гуллаб-яшнар ҳаёт дарахтинг” шиори остида ўтказиладиган ушбу анъанавий байрам ҳар йили турли хил мавзуларга бағишланади. Муҳими, бу саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, ёшларимизнинг табиатга меҳр-муҳаббати юксалиб бормоқда. Қолаверса, ўқувчиларимиз экология мавзусига доир кўплаб танловларда муваффақиятли иштирок этишаяпти. Хусусан, 2008 йилда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Гуллар ва қушлар” танловида навоийлик ёшлар “Экологик стендлар” номинацияси бўйича 1-ўринни қўлга киритишди. Улар орасида Фарида Файзуллаева, Шоҳсанам Аслонова, Нилуфар Қудратова, Мухлиса Исломова каби мактабимизнинг иқтидорли ёшлари ҳам борлигидан фахрланамиз.

Жорий йилда мактабда ўтказилган “Гуллар ва қушлар” байрами Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан тупроқ мавзуига бағишланди. Тадбирда ёшлар тупроқнинг табиатдаги хили, хоссалари, кимёвий таркиби, аҳамияти, унда ўстириладиган мевалар, ўсимликлар дунёси ҳақида ўзаро баҳс олиб боришди. Унда ҳар бир синф ўқувчиси маълум бир тупроқ тури ҳақида ранг-баранг кўринишлар ва макетлар намойиш этди.

— Ўқув масканимизда фитобар ташкил этилган, — дейди мактабнинг биология фани ўқитувчиси Дилбар Ҳожиева. — Ёшлар саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи ушбу фитобарда доривор ўсимликлардан шарбатлар тайёрланади. Наъматак, ўрик, гилос сингари шифобахш неъматлар таълим даргоҳидаги микроучасткада ўстирилади. Шу билан бирга, ўқувчилар томонидан тувакларда гул ўстириш ҳам йўлга қўйилган. Яъни, ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли гулни парвариш қилади. Таътил даврида эса улар бу юмушни уйларида давом эттирадилар. Шу маънода, мазкур тадбир мавзуси ёшлар учун қийинчилик туғдирмади.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ўқув масканининг “Экология маркази” фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ўқувчиларнинг қўл меҳнати асосида яратилиб, бу ерда сақланаётган мозаикалар, расмлар, макетлар, гербарийлар, буклет ва альбомлар уларда катта таассурот қолдирди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ СЕРБИЯДА БЕЛЛАШАДИ

*Теннис бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган “Дэвис кубоги” мусобақаларининг Осиё ва Океания минтақаси саралаш ўйинларини муваффақиятли якунлагани ҳақида хабар берган эдик.*

Куни кеча Лондон шаҳрида жойлашган Халқаро теннис федерацияси (ITF) қароргоҳида жаҳон гуруҳига йўлланма берувчи плей-офф баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси Сербия теннисчиларига қарши кортга чиқадиган бўлди. Ушбу баҳсда АТР рейтингида 91-поғонани эгаллаб турган Денис Истомин, Мурод Иноятов, Фаррух Дўстов ва Важа Узоқов юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Бугунги кунда Сербия терма жамоаси таркибида бир қатор етакчи теннисчилар жамланган. Жумладан, Новак Жокович айни пайтда дунёнинг тўртинчи рақамли теннисчиси ҳисобланади. Виктор Троицкий, Янко Типсаревич, Ненад Жимончич ва Дусан Вемич ҳам тажриба бобида Жоковичдан қолишмайди.

Қолган жуфтликлар қуйидагича тақсимланди:

Бельгия — Украина, Швейцария — Италия, Голландия — Франция, Руминия — Швеция, ЖАР — Ҳиндистон, Бразилия — Эквадор, Чили — Австрия.

Плей-офф мусобақалари жорий йилнинг 18-20 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Ғолиблар 2010 йилги “Дэвис кубоги”нинг жаҳон гуруҳида иштирок этадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



# ҒАЙРАТНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

***Қозоғистонда ўтган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик Ғайрат Аҳмедов навбатдаги рейтинг жангини муваффақиятли якунлади.***

У профессионал боксда йигирма етти маротаба ғалаба қозониб, шулардан аксариятини муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган Лузимар Гонзага (Бразилия) билан куч синашди. Ушбу жангда, асосан, катта тажрибага эга бразилиялик бокс устасининг имкониятлари юқори баҳоланаётган эди. Бироқ Ғайратга рақибидан устунлигини исботлаш учун бир неча сония кифоя қилди.

Учрашув бошланиши билан ҳужумга зўр берган ҳамюртимиз Лузимарни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

Профессионал боксчилик фаолиятини беш йил олдин бошлаган 30 ёшли ҳамюртимиз жами ўн иккита жанг ўтказиб, шулардан ўн биттасида зафар қучган, битта учрашувида дуранг натижа қайд этилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Самарқанд шаҳридаги “Сартепа” спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича клублар ўртасида “Сўғдиёна” очиқ чемпионати бўлиб ўтди.***

# МАЙДОН ЭГАЛАРИ ҒОЛИБ

Республика бадиий гимнастика федерацияси ҳамда Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида илк бор ташкил этилган ушбу мусобақада турли вилоятлардан 70 га яқин ёш спортчилар қатнашди. Энг юқори натижани майдон эгалари — самарқандликлар қайд этдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОБ-ҲАВО

**(14 май)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 13-15, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Жарариқ кўчаси, 118-уйда жойлашган бетон черепицалар ишлаб чиқарувчи технологик линияни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманига кўчириш учун мазкур хизматга ихтисослашган ҳамда қизиқиш билдирувчи корхоналардан таклифларни қабул қилади ва уларни шартнома тузишга таклиф этади.**

«Ўзмиллийбанк» кўчириш ишлари — ускуналарни бузиб олиш, ортиш, ташиш ва ўрнатишдан иборат эканлигини маълум қилади. Ҳар бир шартнома суммаси 14 млн. сўмдан ошмаслиги керак.

Корхонанинг юқори бошқарув органи томонидан имзоланган ва расмийлаштирилган таклифларнинг асл нусхалари 2009 йил 15 июнга қадар қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кичик бизнес бош бошқармаси. Телефонлар: 235-17-02, 235-38-52.**


ЎзР ФА Тарих институти жамоаси институт етакчи илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевга синглиси **Нафиса ЗИЁМУҲАММЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзавтотранстаъминот” республика концерни жамоаси бошқарув раиси Саидакмал Ғаниевга опаси **АҚИДАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“93-МАХСУС ТРЕСТ” ОАЖ жамоаси бош директор ўринбосари Миролим Жалиловга отаси, меҳнат фахрийси ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Исом ЖАЛИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“KAFIL-SUG`URTA” МЧЖ жамоаси “Ўзавтотранстаъминот” республика концерни бошқаруви раиси Саидакмал Ғаниевга опаси **АҚИДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси ассистенти Саломат Саидмуродовага падари бузруквори **САИДАЗИЗ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ** 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.00 7 8